



"Азиз ва қадрдан укам Очилбойга энг яхши тилаклар тилаб" (С.Мирзаев) Муаллиф 11.06.2000 й.
"Азиз ва қадрдан укам Очилбойга хурмат билан энг яхши тилаклар изҳор этиб", (С.Мирзаев)
Муаллиф 10.11.2001 й.
"Азиз укам, содик шогирдим, яхши ташкилотчи Очилбойга энг яхши тилаклар тилайман"
(С.Мирзаев) Муаллиф 2.09.2007 й.

УСТОЗ ДЕСА АРЗИГУЛИК ЭДИ

Професор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Сайдулла Мирзаевни эслаб

Бу дастхатлар азиз домлам Сайдулла Мирзаевнинг "Истъедоднинг камолоти", "Ҳаёт ва адабиёт" ва "Самарқанд илхомлари" китобларининг биринчи варакларига устознинг ўз кўли билан битилган.

Мендек оддий она тили ва адабиёт ўқитувчисини "Азиз ва қадрдан укам, содик шогирдим" деб ардокла-ган инсонни ҳар гал эслаганимда, соғинганимда ушбу китобларни кўлга оламан. Дастхатларига кўзим тушиб, беихтиёр кўнглим бўшаб, кўзла-римда ёш айланади, шундай ажойиб инсон билан биринчи марта юзма-юз кўришмаган, сұхбатлашганим эсимига тушиди.

1977 йил. СамдУ ўзбек филологияси факультети сиртқи бўлимнинг 6-боскич талабасиман. Домланинг шу факультет декани сифатидан турли имлый, адабий тадбирларни моҳир ташкилотчи бўлиб бошқарганига гувоҳ бўлганман.

Кунларнинг бирда фақультеттинг "Эълон доскаси"да диплом иши ёзадиган талабалар рўйхати эълон килинди. Унда менинг ҳам фамилия, имсум ёзилган бўлиб, диплом раҳбари сифатида С.Мирзаевнинг номи қайд этилган эди. Отам – Халил Ҳушмуродов бу хабарни эши-тиб, менга айтган гапи шу бўлди: "Сен узинг сиртқи бўлимда ўқисанг, билиминг ҳам шунга яраша. Мен бу домлани жуда билимдон, талбачан ва қаттиқўд одам, деб эшитганим. Сен домланинг талабларига жавоб берса олмасан керак. Диплом иши ёзи-шинга менинг ҳам кўзим етмайди. Шунинг учун эртага бориб, домлагча, "Диплом иши ёзиша кучиб етмайди. Рухсат берсангиз, диплом иши ўрнинг имтиҳон топширсан", дегин".

Эртаси куни фуқулетга бориб, котибидан руҳсат сўраб, домланинг хонасига кирдим. Биринчи марта юзма-юз турганим учун у одамнинг салобати босди. Ўзимни танитиб, мақсадимни тутила-тутила айтдим. Домла диккат билан галларимни ёши-тиб, кулимиради.

"Ихтиёр сизда, лекин яна бир марта яхшилаб ўйлаб кўринг, жаво-бини эртага айтасиз", деб кетишимга руҳсат берди.

"Энди нима қилсан экан?", деб ўйлаб шахардан кишлоқка қайдидим. Йўлда, қишлоғимиздаги 10-ўрта мактаб директори, илгари СамдУ ўзбек тили ва адабиётни фақульте-тининг кундузги бўлимни битирган Файзула Узоковни усратиб қўлдим. У менинг ўқишига, имсумга ёти-бор берган киши эди. "Сенга Ҳудо шундай улуг домлани раво кўрибди, у одамнинг этагини маҳкам ушла. Ҳеч қаён кам бўйлайсан. Албатта, диплом ишини ёзгинан. Ҳозир бориб отангга ҳам айтаман", – деб ўйимизга

келиб, отам билан сұхбатлашди. Эртаси куни домлана учрашиб, диплом иши ёзмоқчи эканлигини айтдим. Домла "Кўлинингизга қоғоз-қалам олинг. Мавзу: "Ҷаъзви Ҳамид Гулом" "Мангулик" романининг гоявий-бадиий хусусиятлари". Сиз Ҳамид Гуломнинг хаёти ва иходи ҳақида нималарни биласиз? Ана шуларни ёзib келинг. Бир ҳафта муддат. Мени топсангиз, шу ерда ишлаймиз, топ-масангиз ўйда. Үй манзилим: Усмон Юсупов кўчаси, 61-ўй", деб жавоб берди. Шу кундан бошлаб дипломант сифатидан домлага шогирд тушдим. Бир ҳафта мобайнида ёзувчининг хаёти ва иходи ҳақида маълумотларни тўплаб, бир дафтарни тўлдириб ёзib, домлага топширдим. Домла, "Дам олиш куни ўйимга келинг, бирга ишлаймиз", деб тайинлади.

Айтилган вақтда домланинг уйини излаб топиб бордим. Устоз иш каби-нетида ўз юмушлари билан банд экан. Оила аъзоларни мени ҳар доим ке-либ-кетиб юрган ўз одамидай самимий қарши олышди. Бироз муддатдан сўнг домла иш кабинетидан чиқиб, мен билан сўрашиб. Оила аъзоларига мени танишиди. Бир пиёла чойдан кейин домла мени иш кабинетига таклиф килинг. Ёзувчи Ҳамид Гулом ҳақида ёз-ганиларни диққат билан ўқиб чиққан, мавзуга кераксиз жойларни ўчириган, айрим ўринларга ўз муносабатини билдириб, ўзидан сўз ва гаплар кўшган, кискаси, ёзганларимни чиройли қилиб таҳрир килинг эди.

Шу кун 2-3 соат мобайнида диплом ишининг режасини домланинг айтиларни асосида тушиб олдим. Ана шу режа асосида мавзуга тегишига маълумотларни дафтарларга ёзib келиб, домлага кўрсатиб, маслаҳат, ўйл-йўрклирни олар эдим.

"Мангулик" романи Давлат мукофотига тавсия қилинган асар эди. 1978 йилнинг баҳорида фақультетда ушбу асар юзасидан кундузги ва сиртқи бўлимларда ўқидиган талабалар иштирокида адабий кечака бўлиб ўтди. Домла С.Мирзаев адабий кечаки очиб, ўйиглаларга "Мангулик" романи ҳақида мухтасар маълумот берди. Сўнгра кундузги бўлиmdа ўқидиган талаба, истеъодли шоир Илҳом Ҳасанов асарнинг ютук ва камчиликлари ҳақида ўз фикрларини билдириб. Диплом ишиш шу романга багишлангани учун менинг ҳам сўз берилди. Бор-йўғи 7-8 дақиқага мўйжалланган фикрларимни айтиб бошлаганимда свет ўшиб, микрофон ишламай қолди. Залдагларининг салобати босиб, овозим чиқмай қолди. "Қаттиқ-қаттиқ гапиринг, овозингиз ўшитилмагит!" деган гапларни эши-тиб, ўзимни ўйкотиб кўйдим. Домла ҳам норози ҳолатда бир-икки қараб қўйди. Бир амаллаб ёзганларимни

ўқиб тутагтан эдим, ҳайъатда ўтирган академик В.Абдуллаев: "Очилбой, сизнинг ҳозирги ҳолатинизни кўриб, болалигидаги бир воқеа эсимга тушди. 1927 йил, мактабимизга ўзбекистон оқсоқли. Й.Охунбоев келадиган бўлди. Мен аълочи ўкувчи, кашшофон. ўқитувчим менга шеър ёдлатган, уни мен ўигилишида айтишм керак эди. Йўлдош Охунбоев келгач, мактабимизда катта йигилиши бўлди. Менга ҳам наавбат келганда, йигилищадигларнинг салобати босиб, "Ўртоқ Йўлдош Охунбоев" деб бир-икки марта айтиб, ёдлаган шеъримни ўсадан чиқарди қўйганман. Ҳозир сиз шундай ахвору тушдингиз. Энди бу ёғига пишик бўлинг!" деб хижолатдан чиқарган эди.

Кейинчалик В.Абдуллаевни С.Мирзаевнинг хонадонидаги икки марта кўрганман. У киши мени таниб, ёнига чакириб, ҳол-ахвол сўраган, сұхбатларига қатнаштирган эди. 1978 йилнинг ёзасида диплом ишини муввафқиятли ҳимоз қилиб, сиёсий фандан имтиҳонни ҳам топширдим ва диплом топшириш маросими бўлди. Ҳаммадан кўра, С.Мирзаевга кўп гул совга қилинди. Тадбир сўнгидага домла бу гулларни менга кўтартирди, ўзи олдинда, мен орқада, бир кучок гул билан, пиёда, ўтган-кетганинг ҳавасини келтириб, устознинг ўйига борганман.

Шу куни домла мэндан ота-онам, укаларим, сингилларим ҳақида батасиғи сўраб қолди. Мен оиламиз катта эканини, бу укам, бинглум борлигини айтиларни, домла афтидан, ишонмагандай бўлди. Домла: "Очилбой, мана ўқишин ҳам битириб, дипломи бўлдингиз. Бу диплом сизга омад ва баҳт келтириш. Ота-онанига мэндан салом айтинг. Доимо соғ-саломат бўлинг. Сиз бигза ёқиб колдингиз. Сиз учун ўшигимиз ҳамиши очиқ, келиб туринг", деб хайрлаши.

1978 йил кузининг бир кунида домла С.Мирзаев Москвадан келган таникли адабиётшунос олима И.Боролина билан Ҳарши пединститутда бўлган имтий-адабий анжуманда қатнаштирган. Сазагонда кайтаётib, Сазагонда Очилбой деган шогирдим бор, уни бирров кўриб кетайлик, деб хайдовчисига машинани Сазагонга бурдирди. Сўраб-сурштириб, уйимизни топиб келишибди. Ҳовли-миз дарвазасида домла машинадан тушшиб, деч келган иккни кишидан мен ҳақида сўрамоқчи бўлганида, бу иккни киши ўқитувчилар бўлбди, домлани танишларини, ҳатто улардан бирни, мен фалон ийли Сизнинг кўл остингида ўқитанман, деб ўзини таништирганда, устоз бундан жуда хурсанд бўлди. "Очилбой менинг шогирдим бўлади, у отам ўқитувчи,

оиламиз катта, ука-сингилларим кўп, деганди, шу ростми?" – деб улардан сўрабди. Улар: "Ха, Очилбойнинг айтиларни тўғри", деб тасдиқлашибди.

Шу аснода мен отам билан домланинг олдига етиб келдим. Домла билан сўрашиб, меҳмонларни ўйга тақлиф килдик. Устоз, "Вактимиз тигиз, бошқа вақт, албатта бафуржа келаман. Сиз Очилбой, вақт топиб бизнисига ўтинг", деб хайрлаши, жўнаб кетди.

1979 йилнинг баҳорида домлани оила аъзолари билан қишлоқка тақлиф килдил. 8 май кунида, бутун атроф кип-кизил қизгалодарга бурканган бир кунда меҳмонлар Сазагонга келиб, қўшчинор тагига дам олишиб, бутун кунни мароқли ўтка-зишган эди. Бу борди-келдилар чин маънода бўлиб, ўзаро ҳурмат-иззатга асосланган эди. Кўп йиллар давомида С.Мирзаев хонадонидаги турли тадбирларга қатнашганим. Домла Қарнаб элидан ўйига келган юртдошларига мени "Менинг сазағонлик укам Очилбой" деб таниширгарди. Мехнат Ҳармони Исломи Зокиров, ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорварод Тўхтамурод Усанов ва унинг ўйиллари, машҳур педагог Ишқоҳ Тошев ва унинг ўйиллари Фармон ака, Комил ака, таникли конунгушнос Иброҳим Очилов, Самарқанд олий ўқув юртлари домларни Курбонбой Ҳашмуродов, Ризокул Мирзаев, Вахоб Шукуров, Файзула Мирзаев ва Қарнаб элидан чиққан бошқа кўплаб зиёли кишилар билан шу хонадонда танишидим, уларнинг сұхбатларida бўлдим. Бу инсонларнинг ҳам худди С.Мирзаевдик одамоҳун, самимий, меҳр-оқибатли эканликларини амалда кўриб билдим.

"Устоз отангдай улуғ" деган нақл бор ҳақимизда. Бу нақлнинг қанчалик ҳаққоний ва тўғрилигини С.Мирзаевнинг фаолиятида кўп бора кўрдим. Бизнинг бошимизга синовли кунлар тушганда устоз қўнглини кўтартган, яхши дамларимизда биз учун кувонган табаррук инсон эди.

Улуг инсонлар хаётдан ўтга, уларнинг қадр-қиммати янада чукуророк билингара экан. Домламиз ҳам, унинг садоқатли умр йўлдоши Матлаб онамиз ҳам хаётдан ўтиб кетишиди. Энди-энди улар ҳақида ўйласам, оғайним Файзула Узоков айтгандай, Худо менга Сайдулла Мирзаевдек улуғ домлани, фарзандлари қато-рида мени ҳам фарзанд деб билган, нон-тузини, яхши сўзини амалган Матлаб онамизни етказган экан. Уларнинг ҳақларига доимо дуолар киламан, оҳиратлари обод бўлсин!

Очилбой Мирзаев,
мехнат фахрийи, Нуробод тумани Сазагон қишлоғи.



Муқаддас Рамазон ойида молиявий ибодатлар ҳам амалга оширилади. Имконияти бор кишилар бу ойда бошқа ойлардагига қарагандида хайр-эҳсонларни кўпайтиради, мискинлар ҳолидан хабар олади.

"Вақф" хайрия жамоат фондининг Самарқанд вилоят филиали аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатлами, шу жумладан, икнояни чекланган ҳамидий таддифларда турувчи аёллар ва иктисолидор чорбатларга бирлашмади озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Фондга ёрдам сўраб мурожат килган кам таъминланган аёллар ва беморлиги бирлашмади озиқ-овқат маҳсулотлари етказилди.

Самарқанд шаҳридан, Нуробод, Пахтакочи, Нарпай ва Каттақўрон туманинда 30 нафардан кам таъминланган, ижтимоий дафтарларда турувчи аёллар ва иктисолидор чорбатларга бирлашмади озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Ҳамидий таддифларда ғарбиятни ташкил этилди.

Самарқанд шаҳридан хайрия жамоат филиали аҳолиси 4 милион ўзбекларни ташкил этилди. Бу аёлларга саҳифа сифатида берилди. Аллоҳ ўзининг йўлида 3,5 миллион сўмдун тарқатиди.

Азизхон СУЛТОНОВ, "Вақф" хайрия жамоат фонди вилоят филиали раҳбари

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

16 АПРЕЛЬ

Мажҳам ОБЛОҚУЛОВ

– (1920-1992) Ургут шаҳрида туғилган. Кулол, ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

Василий ЛАРЦЕВ

– (1925-1989) Олтот ўйласида туғилган. Филология фанлари доктори, ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Азиз ЙУЛДОШЕВ

– (1952-2000) Паст Дағром туманида туғилган. ўзбекистон Журналистлари ижодий ўюшмаси аъзоси.

19 АПРЕЛЬ

Зафар ИСМОИЛОВ

– 1955 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Биология фанлари доктори.

